Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925 yildan chiqa boshlagan

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY HARAKATINING GAZETASI

2002-yil 28-may, seshanba
№ 65 (14556)

## «УНИВЕРСИАДА – 2002» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Азиз ўғил-қизларим!**

**Сизларнинг барчангизни қадимий Бухоро шаҳрида бунёд этилган мана шу замонавий ва муҳташам спорт мажмуида Ўзбекистон талаба ёшларининг "Универсиада - 2002" мусобақаларининг тантанали очилиши муносабати билан чин қалбимдан табриклаш менга алоҳида мамнуният бахш этади.**

**Мамлакатимизда иккинчи бор ўтказилаётган ушбу универсиада наинки унинг қатнашчилари, балки бутун халқимиз, авваламбор,ёшларимиз ҳаётида ёрқин из қолдирадиган муҳим бир воқеадир.**

**Бугунги кунда Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, фаровон ҳаётга эришиш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашдек эзгу мақсадларга етиш йўлида биз таянчимиз ва суянчимиз бўлмиш ёшларимизга беқиёс орзу-умидлар билан қараймиз.**

**Биз учун давлат сиёсати даражасига кўтарилган устувор вазифа — нафақат маънавий етук, зукко ва билимдон, шу билан бирга, спорт ва кураш майдонларида тобланган, қийинчиликларни енгишга қодир, ирода ва эътиқоди бақувват, беллашувларда чиниққан мард фарзандларни тарбиялаш — бу бир-бирини тўлдирадиган, бир-биридан ажралмас ягона мақсад бўлиши даркор.**

**Жисмоний тарбия ва спорт юртимизнинг ҳар қайси шаҳар ва қишлоғига, ҳар бир хонадонга кириб боришига эришиш, шу асосда ҳаётимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бизнинг олийжаноб орзу-интилишларимизнинг узвий бир қисмига айланиши зарур.**

**Шу маънода, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйинларини ўз ичига олган уч босқичдан иборат яхлит тизимнинг амалга оширилиши ана шу йўлда қилаётган салмоқли ишларимизнинг яққол намоёни, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.**

**Бу тизимнинг юқори босқичи бўлган универсиада, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон ёшларининг ўзига хос спорт олимпиадасидир.**

**Мана шу унутилмас дақиқаларда сиз - бутун борлиғидан куч-ғайрат ёғилиб турган соғлом ва навқирон ёшларимизнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, ушбу муаззам, замонавий стадионда сизларнинг минг-минглаб тенгдошларингизни, сизларга катта ҳавас ва умид билан қараётган барча ўғил-қизларимизни кўргандек бўламан ва бундан кўпчилик қатори менинг ҳам юрагим қувонч ва ғурурга тўлишини изҳор этмоқчиман.**

**Эртанги умидимиз, ифтихоримиз бўлган сиз каби ёшларни вояга етказган ота-оналарингизга, ҳаётга йўлланма бераётган устоз-мураббийларингизга самимий миннатдорлик билдираман.**

**Ва сизларга қарата яна шуни айтмоқчиманки, бугун ҳаётга қадам қўяр экансиз, белни қаттиқ боғлаб, кураш майдонига чиқаётган экансиз, олдингизга қўйган марраларингиз доимо баланд ва юксак бўлсин, иродангиз бақувват, ишончингиз мустаҳкам бўлсин.**

**Шуни унутмангки, сизларнинг ортингизда ҳар қарич тупроғи мўътабар Ватанингиз, бағрикенг, матонат ва қудрат соҳиби бўлмиш халқингиз бор.**

**Азиз фарзандларим!**

**Ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами — универсиада мусобақалари юксак сафарбарлик, соғлом рақобат, ҳалол курашчанлик руҳида ўтади, деб ишонаман.**

**Умид қиламанки, бу мусобақалар келажакда ўзбек спортчиларининг жаҳон олимпиадаси шоҳсупаларига кўтарилиши учун бамисоли зинапоя бўлиб хизмат қилади.**

**Сиз, универсиада қатнашчиларига баланд руҳ, азму шижоат, қатъиятлик, шу билан бирга, бағрикенглик ва мардлик, ҳақиқий спортчиларга хос хусусият ва фазилатлар доимо ёр бўлишини истаб қоламан.**

**Сизларга сиҳат-саломатлик, ҳаётдан кутаётган барча эзгу орзу-ниятларингиз рўёбга чиқишини тилайман.**

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# ЁШЛАРНИНГ СПОРТ БАЙРАМИ

**МАМЛАКАТИМИЗ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ҲАЯЖОН БИЛАН КУТГАН «УНИВЕРСИАДА – 2002» МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНДИ.**





Бухоро шаҳрига "Самарқанд дарвозаси" томонидан универсиада машъаласини кўтарган ёшлар кириб келди. Байрамона безатилган кўчаларнинг икки ёқасида юз-кўзлари қувончдан порлаган минглаб болалар ва талаба-ёшлар қўлларидаги байроқчаларни ҳилпиратган ҳолда уларни кутиб олдилар. Машъала Тошкент вилояти Паркент туманида жойлашган ва кейинги йилларда мамлакат ёшлари ўртасида ўтаётган спорт мусобақалари бошланишининг рамзига айланган маконда — "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидаги нодир иншоотда қуёш нури орқали ўт олдирилган эди. Уни бир қанча олий ўқув юртларининг енгил атлетикачи йигит-қизлари икки кун мобайнида фахр билан мамлакатнинг қатор шаҳар ва қишлоқларидан олиб ўтишди.

Шу куни қуёш уфққа бош қўйган маҳалда, соат 20.00да шаҳар марказидаги муҳташам "Бухоро" спорт мажмуида "Универсиада — 2002" мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бошланди.

25 минг томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ мухлислар ва мусобақа иштирокчилари билан лиқ тўлган. Улар орасида Осиё ва Европанинг қатор мамлакатларидан келган меҳмонлар ҳам бор. Жўшқин мусиқа садолари остида майдонга спорт рамзи бўлган оқ, мовий ва яшил байроқлар кўтарган йигитлар шаҳдам қадамлар билан кириб келишди ва бир сафга тизилишди. Томошабинлар театрлаштирилган байрам дастури қатнашчиларини — ҳарир либослардаги минглаб талаба қизлару, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Маҳмуд Таробий, Муқанна каби халқ қаҳрамонлари тимсолини акс эттирган йигитларни олқишлар билан кутиб олишди. Ўйингоҳнинг шарқий томонидаги 5 минг кишилик ўринларни тўлдириб ўтирган мактаб, лицей ва коллежлар ўқувчилари қўлларидаги ранг-баранг байроқчалар орқали саҳна декорацияларини — порлаётган қуёш, Ўзбекистон Давлат байроғи, Бухоронинг қадим обидалари ва турли нақшлар тасвирини улкан кенгликда намоён этиб, майдонга байрамона руҳ бағишлаб турдилар.

Карнай-сурнай садоларига уйғун композиция тугаши билан майдонга бирин-кетин "Универсиада"да иштирок этувчи спорт жамоалари кириб кела бошлашди. "Наманган вилояти" деган ёзувни кўтарган талабалар сафнинг бошидан ўрин олганди, чунки икки йил бурун ўтказилган I "Универсиада"нинг мезбони ҳам, ғолиби ҳам улар бўлишганди.

Ҳар бир вилоят вакиллари майдонга қадам қўйганларида шу воҳаларни мадҳ этувчи қўшиқлар, ўзига хос ўйинлар ижро этиб турилди.

"Универсиада"ни очиш учун сўз Бухоро вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Самойиддин Ҳусеновга берилди.

—Бухороликлар бу катта спорт анжуманини ғоят интиқлик ва зўр тайёргарлик билан кутиб олдилар, - деди у ўз сўзида. —Муҳтарам Юртбошимизнинг бизга билдирган ишончларини оқлаш ва мамлакатда ёшлар орасида спортни ривожлантириш, аллақачон шаклланган уч бўғинли оммавий спорт тизимини мустаҳкамлаш учун кенг миқёсда спорт иншоотлари қуриш, таъмирлаш, уларни замонавий талаблар даражасига етказиш борасида иш олиб борилди. Илк бор, сиз, азиз ёшларни ўз бағрига чорлаган ушбу ҳашаматли спорт иншоотини мамлакатимизда спорт ва спортчилар ғамхўри, жонкуяри ҳисобланган муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг "Универсиада" иштирокчиларига туҳфаси сифатида қабул этгайсизлар!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Универсиада-2002" мусобақалари қатнашчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг мусобақа машъаласини майдонга олиб кирувчи йигит ва қизнинг номлари эълон қилинди. Паркентда машъалани жаҳон универсиадаси совриндори Абдулла Тангриев ва Осиё чемпиони Саида Искандаровалар ёқиб беришган бўлса, уни Бухородаги "Универсиада" машъаласига туташтириш шарафи кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Шуҳрат Хўжаев ва бадий гимнастика бўйича республика чемпиони Ойдин Файзиевага насиб этди. Улар майдонни бир айланиб, сафлар орасидан очилган йўлак бўйлаб кунчиқар томондаги зинадан юқорига кўтарилдилар ва қўлларидаги машъалани махсус мосламадаги ёнувчи газга туташтирдилар. Ловуллаб ёнган машъала автоматик тарзда яна ҳам юқорига кўтарилар экан, майдон узра Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграли.

Қалбларида ифтихор ва ғурур туйғулари жўш урган "Универсиада" қатнашчилари мамлакат шуҳратини спорт орқали янада кенгроқ ёйишга ваъда бердилар.

Шундан сўнг, "Универсиада" очилишига бағишланган концерт дастури бошланди. "Ўзбекнаво" ва "Ўзбекрақс" ижодий уюшмалари, С. Айний номидаги Бухоро вилоят театри санъаткорлари бошлаб берган бухороча халқ қўшиқлари ва ўйинлари, Насриддин Афанди тимсолидаги қувноқ кўринишлардан сўнг навбат ёшлар севиб тинглагувчи таниқли эстрада хонандаларига берилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳом Фармонов, Абдулазиз Каримов, Нилуфар Раҳматова, "Хўжа", "Яйра", "Фазо" гуруҳлари ва яна бухоролик бир қатор ёш қўшиқчиларнинг чиқишлари байрам қатнашчиларининг завқига завқ қўшди. Олий ўқув юрти талабалари иштирокида саҳналаштирилган оммавий рақслар, томошабинлар ҳилпиратиб турган байроқлар, Ватанни, ёшликни, спортни мадҳ этувчи шиорлар, шунингдек, бошқа декорациялар концертнинг янада кўтаринки руҳда ўтишига ёрдам берди.

Юлдузлар чақнаб турган осмон узра бир неча бор ранг-баранг, жозибали мушаклар отилди. Хуллас, очилиш маросимининг ўзиёқ "Универсиада" нафақат спорт байрами, балки ёшлик ва гўзаллик тантанаси, ватанпарварлик ва баркамоллик намойишига айланганини исботлади.

**Саидбурҳон ҚОДИРОВ,**
**«Turkiston» мухбири**

## ЧЕТ ТИЛЛАР ОЛИМПИАДАСИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида 21 та олий ўқув юртлари орасида чет тиллар бўйича Республика олимпиадаси бўлиб ўтди.

Олимпиаданинг очилиш маросимида чет эл ваколатхоналаридан вакиллар ва меҳмонлар, жумладан "Ҳамкорлик" талабалар маркази раҳбари ўринбосари Девид Байерс, "БРЕФАК" ташкилотининг вакили Эрик Кокини, Бельгия элчихонасининг вакили Жан Клод Божан ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида иштирок этдилар.

Олимпиада давомида талабаларнинг билими ҳақида Жан Клод Божан қуйидаги фикрларини билдирди:

—Барча талабалар пухта тайёргарлик кўриб келганлар. Уларнинг баъзилари олимпиадада бир неча бор қатнашганлар, баъзилари эса биринчи марта қатнашаётганликлари учун ҳам ўз билимларини намойиш этолмадилар. Бунга биз Қарши Давлат университети талабаларини мисол тариқасида айтишимиз мумкин. Улар биринчи босқич талабалари бўлишига қарамай, юқори босқич талабалари билан баъзи шартларда тенг баҳслашиб келдилар, аммо тест ва суҳбат жараёнларида ўзларини бироз йўқотиб қўйдилар.

Олимпиада якунида талабалар кутган ҳаяжонли дақиқалар ҳам етиб келди. Инглиз тили, немис тили, француз тили бўйича биринчи ўрин ЎзДЖТУ талабалари Юля Азгарова, Камиль Клеблев, Татьяна Литовченколарга насиб этди.

**Дилноза МЎМИНОВА**

## «Turkiston» ХАБАРЛАРИ

### ШОГИРДЛАР АРДОҒИДА

Қарши санъат билим юртида чорак аср умрини санъатга бағишлаган ва шу қисқа давр мобайнида ўнлаб истеъдодли ёшларни катта санъат майдонига кириб келишида сабабчи бўлган мураббий Файзулла Исломов шогирдлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гулчеҳра Исмоилова, Ойгул Ҳалилова, Салоҳиддин Лутфуллаев, Салимжон Сайимовлар ва Тошкент Давлат консерваторияси талабалари билан учрашди.

Бир пайтлар Файзулла ака ижро этган "Фарғона тонг отгунча", "Сегоҳ", "Дугоҳ" ашулаларини бугун шогирди Ойгул Ҳалилова шундай маромига етказиб ижро этдики, санъаткорга бўлган устознинг меҳри яна бир бор юзкўзида порлади. Бу ерда устоз ва шогирд анъаналари давом этаётганлиги яна бир бор намоён бўлди.

—Бундай тадбирлар катта авлод билан ёш авлодни бирбирига қалбан ва руҳан яқинлаштиради,-дейди Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ўрта махсус, касб ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи Руйиддин Раҳимов.

### САНЪАТКОРГА ЭҲТИРОМ

Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилояти мусиқали драма театрида таниқли мусиқа ижрочиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аъзам Ражабовнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган "Санъатга бахшида умр" мавзуида хотира кечаси бўлиб ўтди. Қарши санъат билим юрти, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари вилоят услубият маркази, "Ўзбекрақс" миллий рақс бирлашмаси вилоят бўлими, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими ташкил этган мазкур кечада А.Ражабовнинг ўзбек мумтоз мусиқа санъатини ёйишдаги ва янги ижрочиларни излаб топишдаги хизматлари айтиб ўтилди.

Кеча сўнггида йиғилганлар Қарши санъат билим юрти талабалари ва Ражабовлар оилавий сулоласи ансамблининг мусиқа, рақс ва қўшиқларидан баҳраманд бўлишди.

### МЕҲМОНЛАР ҚОЙИЛ ҚОЛДИ

Қарши тиббиёт коллежида "Талаба — 2002" тўгараклар кўргазмаси очилди.

Уч юз нафар ёш йигит-қизни атрофида бирлаштирган "Ўткир зеҳнлилар", "Нафосат", "Ёш эколог", "Болажон", "Моҳир жарроҳ", "Ибн Сино", "Доришунос", "Ҳамшира", "Ёш анатом", "Нажот" тўгараклари аъзоларининг ўз қўллари билан ясаган ва тайёрлаган ўқув қуроллари, асбоб-ускуналари, сурат, плакат, реферат, қўлланмалари кўргазма залидан жой олди. Айниқса, талабаларнинг сув омбори, денгиз, тоғнинг кўринишини акс эттирган макетлари меҳмонлар ҳайратини оширди.

Яна шуни қайд этиб ўтиш лозимки, мазкур тўгарак аъзолари республика, вилоят миқёсида ўтказиладиган мусобақа ва танловларда ҳам юқори натижаларни қўлга киритишаяпти.

— "Ўткир зеҳнлилар" тўгараги аъзоси, ёш шоира Маъмура Ражабова вилоят ёшлари ўртасида ўтказилган "Менинг шаҳрим" кўрик-танловида ғолиб бўлди. Вилоят ўқувчилари олимпиадасида Фарида Қурбонова география, Лола Азизова биология, Шаҳноза Ёқубова тарих фанларидан биринчи ўринлар соҳибига айландилар, — дейди коллеж касаба уюшмаси қўмитаси раиси Жаббор Кенжаев. — Вилоятимиздаги иқтидорли ёшларнинг катта қисми бизда таҳсил олади. Кўриб турганингиздек, уларга барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Ҳа, биз кўргазмадан бир олам таассурот билан қайтдик.

**Файзулла ЭШҚУЛОВ,**
**«Turkiston» мухбири**




### КЎПРИК ҚУЛАДИ

**Кучли шамол оқибатида АҚШнинг Оклахома штатидаги кўприкка баржа келиб урилди, натижада кўприкнинг 120 метрлик қисми ағдарилиб, бир қанча машиналар дарёга қулаб тушди. Маҳаллий ҳукуматнинг хабарига кўра, жабрланганлар бор.**

### ИККИ ПОЕЗД ТЎҚНАШУВИ

**Мозамбикда Тенга шаҳрига яқин бўлган Мапуто қишлоғида темир йўл ҳалокати содир бўлди. Қарама-қарши келаётган икки поезд тўқнашиб, 200 дан ортиқ йўловчи ҳалок бўлди ва 400 дан ортиқ киши жароҳатланди. Полиция ҳалокатга пассажир поездидаги тормознинг носозлиги ёки машинист хатоси сабаб бўлган, деб фараз қиляпти. Мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинди.**

### АВИАҲАЛОКАТ



**Тайбэй-Гонконг рейси бўйича учган Боинг-747 самолёти 20 дақиқадан сўнг радар экранидан йўқолди. Бу пайтда самолёт Тайван қирғоқларига яқинроқ ерда бўлиб, у ерга дарҳол қутқарувчи кема ва вертолётлар жўнатилди. Ғарбий қирғоқдан 50 км. узоқликда улар самолёт бўлаклари ва ҳалок бўлган пассажирларни топишди. Қидирув ишлари ҳалигача давом этяпти. Тайбэйда ҳалокат сабабларини аниқлаш учун махсус комиссия тузилди.**

Нилуфар САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади

